

МАНЗАР АБДУЛХАЙР



*Сұз сари,
Сұзині сари*

ШЕРЛАР, ТАРЖИМАЛАР


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2021

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(Ў)6

А – 15

Абдулхайр, Манзар

Сўз сари, Сўзинг сари: шеърлар/ Манзар Абдулхайр.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 112 б.

ISBN 978-9943-20-606-9

Манзар Абдулхайр бадиий тафаккурини, ҳис-туйғуларини шунчаки баён этмайди. Уларни кўнгилнинг сукунати билан тасвирлайди. Борлиққа, ишққа, табиатга ва ўз руҳий кечинмаларига аталган кутилмаган, тутилмаган ташбеҳлари бор. Умид қиласизки, бу ҳол китобхонни эътиборсиз қолдирмайди.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(Ў)6

ISBN 978-9943-20-606-9

© Манзар Абдулхайр, «Сўз сари, Сўзинг сари». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

СОҒИНЧЛАРДАН ҚАЛБИМГА ТУШДИ СИРЛАР



Манзар Абдулхайр – иқтидорли шоир. Шеър – ҳиссият сехри. Худди шу жойда, шеърнинг улуғ томири бунёдга келади. Туйғуга макон қалб, ҳис қилишга қодир қалб, ҳайратга мойил қалб – шеърнинг улуғ муроди.

Ҳиссият сехри қалб имтиёзи. Аниқки ҳис қилиш, туйғу ўз-ўзидан пайдо бўлгувчи, инсон феълининг шунчаки тарзи эмас, балки борлиқ таъсирида юзага келадиган қалб ҳодисалари, атрофни англай билишга, уни сезишга йўналтирилган соғинч ва армон ифодала-ри. Бу ҳодисалар, бу ифодалар, албатта, шоир қалбida чукур кечиб, унда дард майдонини яратади.

Манзар Абдулхайр шундай идрокли. Сўз ижодкорнинг ички ҳайратидан, ички руҳидан ҳосил бўлган тақдирдагина ҳам фикрнинг, ҳам туйғунинг муштарақлиги шоён бўлади. Шоир фақатгина ташқи кўринишлардан қаноатланиб қолмасдан, фақатгина ташқи жилоларнинг баёнига ружу кўймасдан, балки қалбнинг туб ҳайратига, туб изтиробига эктивор айлаши лозим. Бунинг учун ушбу сирлар, аввало, қалбнинг ўзида бўлмоғи во-жибдир. Шундагина сўзнинг ҳам шакли, ҳам ифодаси рост, маъноси қатламли бўлади.

Улуғ рассомлардан бири Мартирос Саръян айнан шу хусусга дахлдор бир фикр айтган экан: «Одамда ҳайратланиш қанчалик кам бўлса, унинг руҳияти қаш-

шоқ бўлади. Одам ҳайратланганда, унинг диққат-эътибор торлари таранглашади, қизикиши ортади, унинг хис-туйғулари ва фикрлари түгёнга келади». Ҳикматона гап. Чиндан ҳам ижодкорнинг қалби нечоғлик ҳайратга тўлиқ бўлса, унинг ёзуви ҳақиқат томон шунчалик яқин бораверади. Буни моҳиятан ҳис қилган Манзар Абдулхайр қалбига қайрилиб дейди:

Соғинчлардан қалбимга тушиби сирлар.

Шундай. Шоирнинг қалби сирларга эш.

Икром ОТАМУРОД

ШЕРЛАР



* * *

Куз хаёли күчасида дайдиб-дайдиб,
Юрак ютиб ишқ дафтарин очдим яна.
Совуқ уйга кирдим яна юрак ютиб,
Күхна бўйра, армон изғир хонтахтада.

Яна бўзлаб юрагимни эздим нечун,
Музлаб қолди кўзларимда совуқ оҳим.
Сатрларим саннаб сўзлар муҳаббатдан,
Телбанома пичирлайди лаблар тим-тим.

Ох, армонлар мендан қочиб ётсирайди,
Юрак эса изиллайди надир қўмсаб.
Куз шамоли қайғу гулим сийпалайди,
Қайтар оқшом намозшомим қайғуланиб.

Жом сингари юрак тўлар ғам-ғуссага,
Андуҳларим тимиrsилар ёлғиз уйда.
Имирсилаб оёқларим кезар нега,
Сарғаяди хаёлларим хазонларда...



* * *

Куз айролик онидай беҳол,
Фурсат пойлаб мудрар ёбонда.
Гоҳ бўридай увуллар шамол,
Шивалайди ёмғир гоҳ бунда.

Махрумият қилар мосуво,
Хар нарсадан, ҳатто Ватандан.
Бегонасан куз узра расво,
Барглар жондай узилар тандан.

Қақшатади совуқ куз тонги,
Юрагингда оний бир оғриқ.
Қайғу тешар қорачифингни,
Бўзарадир булутли само...



* * *

Хузурингга яна келдим мен,
Яна бўзлаб сиғиндим сенга.
Захар-заққум бешафқат хижрон,
Ҳаққа ишқим йўллади сенга.

Нетай, ташлаб кетолмасман ҳеч,
Ҳам қувончу қайғумсан ўзинг.
Куни бўйи офтобу ҳар кеч,
Юлдуз бўлиб чорлайди кўзинг.

Ифоринг гул каби қилар маст,
Хурлардан ҳам зиёда аслинг.
Саждадан бош олмай ҳеч сарбаст,
Яратгандан сўрайман васлинг!





ҲОЛАТ

Ногоҳ кўриб қолдим сени кўчада,
Гўё тош қотган бир номаълум ҳайкал.
Дастхатлар гезарар бошқа йўсинда,
Бари ўзгачадир сенда, бекамол.

Мунчалар унутдинг сўзни бешарар,
Унутдинг шунчаки беишқ бир малак.
Бунда бари менга ғамсиз кўринар,
Ҳарорат бошқадир, кўнглим ҳам ҳалак.

Адашган кимсадай турибман ҳайрон,
Ҳаттоқи номинг-да ўзга оҳангда
Жарангги кўнгилни қиласи вайрон,
Юрагим тўхтовсиз ун чекарунда.

Юрагим ўртайди тошдек зўр алам,
Қалин туман ҳар ён, ҳаттоқи ҳар жой.
Кор қилмас наҳотки қибланома ҳам,
Йўлсиз йўловчилик юрарсан бежой?!

Бир йўл бор: ё ўлим ёки яшамок,
Ягона йўлми бу – ягона чора?
Тинимсиз тентирар шамоллар барҳак,
Бепоён кўринмас чексиз дала-да.



Сўзсиз дарду ҳасрат бахтсизлик албат,
Кўнгил очлигидай йўқдир мусибат.
Қайдадир қасд қилиб ҳайқирар ўлим,
Бир зум ҳам хотиржам ўтмагай ғоят.

Бетоқат кўнгилки тортар ситамлар,
Зим-зиё самовот энар қошингга.
Кўнгилни эзувчи қора булутлар,
Сенсизлик азобин тўқар бошингга...

* * *

Бас, ҳақлисан мени койишга,
Майли, ишққа қодирмассан де.
Бош эгарман барибир ишққа,
Майли, зинҳор шоирмассан де.

Балки ёлғон нидоларим ҳам,
Сўзларимда балки сеҳр йўқ.
Шеърсиз олам мен учун мубҳам,
Шеърдан ўзга ишқ йўқ, меҳр йўқ.

Гўё қаттиқ таналар тоши,
Тинмай томар томчи саргардон.
Бир хастадил кимса кўзёши,
Бор оламни қиласди вайрон.



* * *

Аллақайдан машъум овозлар,
Эшитилар яқындан-яқын.
Узоқлардан изсиз шарпалар,
Талаб қилар неларнинг ҳақин.

Чулғаб олар руҳинг ҳорғинлик,
Қўрғошиндай мубҳам саволлар.
Оғрир кўнгил, хўрсинасан илк,
Нимбисмил қуш кўнгил талпинар.

Ҳасрат билан чулғанган олам,
Ушалмаган орзулар хароб.
Асрларни қаритган алам,
Гўё ўткир асрий май-шароб.

Бироқ қайдада ғойиб шамоллар,
Салом, қайғу, хуш келдинг бунда.
Жанозага шам йўқ, кафандай йўқ,
Арвоҳлар ҳам тош қотган шунда.

Дуд босгандай самони гўё,
Нафас олар ҳорғин ва маъюс.
Бир парча муз сув ичра қуёш,
Тафтсиз хира шам каби, афсус!..

* * *

Кечир мени шу кеч тун ҳаки,
Юрагингни эзди минг жафо.
Жафолари кўпдир очунни,
Лекин қаҳат эмас ҳеч вафо.

Кўп куйинма ўтар ғамлар ҳам,
Етар балки ғамсиз тунларинг.
Балки қолмас кўзларингда нам,
Гуллар очса, не тонг, унларинг.

Ногоҳ мени эсларсан яна,
Бахту иқбол пушти паноҳинг.
Мұхаббатга, меҳрга ташна
Офтоб каби порлар нигоҳинг...

Ташқарида увуллар қаҳр,
Ичкарида мунғаяди ғам.
Беғам кўнгил узоқ хўрсинар,
Ториқади унсиз юрак ҳам.





* * *

Хотирладим маъсум онларим,
Хаёл ичра қолиб бир нафас.
Гўзал эди атроф, ҳар ёним,
Ишқ ипидан тўқирдим қафас.

Фоят сирли кўринган олам,
Юрагимга ёқарди гулхан.
Билмас эдим ўзимни ўзим,
Билмас эдим борлигинг чиндан.

Балки шундан ҳар нарса ҳар он,
Туйғуларим ўйнарди метин.
Юрагингдан, сенинг қалбингдан,
Келар хабар юракдир бетин.





* * *

Тим қоронғи изғириң кечә,
Ёмғир ҳиди күнгилни ўртар.
Ҳасратлар ҳам түкилар шунча,
Мудроқ күнгил оғир хүрсинар.

Савалайди ёмғир тинимсиз,
Хазонзорда сарсон кезар дил.
Бутун кечә бедор уйқусиз,
Бемор каби күнгил ҳам беҳол.

Зулматли тун қаърида түфөн,
Үшшар вайрон күнгилга нохос.
Ишқ ҳирмонин безаган ҳижрон
Ё етмасму ҳирмонга бехос?..

Балки етар шунча изтироб,
Ўртамасман жони зоримни.
Шусиз ҳам, бас, тортиб минг азоб,
Бор оламга бердим боримни!





* * *

Сукунатни тинглар куз шоми,
Тинглар кеча юрагим дардин.
Маст айлаган дарду ғам жоми,
Тополмасман ҳатто баҳт гардин!

Куз ёмгири ҳасрат ёмгири,
Гүё хаста бағримга ёғар.
Куз ҳам мендай ишқнинг сагири,
Менга тутар қайгули соғар.

Юрагимиз ёриб бесабр,
Дардлашамиз содик улфатдай.
Зим-зиё тун – зим-зиё қабр,
Қисмат ногоҳ келган кулфатдай.





* * *

Бу хаёт гўзалдир гулгун аламнок...
Қорайиб кўринар бўҳтоннинг юзи.
Қора ниятларнинг қора кирдори.
Сен Тангри эмассан, якто ҳам эмас.

Чиркин қарашларнинг чиркин аъмоли,
Эй сен, манфур кимса қайт нияtingдан.
Сен ахир бандасан, бандай ожиз!
Думлими думсизми барибир шайтон.

Шундайин қолмасдир ҳақиқат бежиз,
Балки фурсат бордир тўғрилик сайин.
Оппоқ булатларга тўйин саросар,
Токай кимларнидир қирқарсан пайин.

Бу мудхиш фалокат бошингга етар,
Бусиз ҳам заминнинг бағри тўла қон.
Қанча истасанг-да айлайдир бажо,
Ҳақиқатга ташна кўнгиллар вайрон.

Қанчалар инсонни қилдинг жо-бажо,
Яна қайта туғил, очгил тийнатинг.
Бағринг катта очиб боқгил атрофга,
Ранг-баранг бу гуллар сенингдир, сенинг!

Наҳот нафосатга эмассан ташна,
Бир имкон изларсан, суринди ҳиддат.
Тухматларни бадар қолдиргин унда,
Тугаб битмагандир инсоний фитрат!



Ёвуз кирдикордан кечгил, эй банда,
Даҳолик касали қалбинг қўрида.
Сира ҳам тинч қўймас, бас, вақти-бевақт,
Бир эмас минг шоир қўпайсин бунда,
Сенга ҳам топилар бирор-бир жиҳат.

Бу ҳаёт гўзалдир гулгун аламнок...

* * *

Бир кун ўтган эдик бу ердан,
Япроқларга ҳазин тўйиниб.
Ва айрилдик хайр демасдан,
Кузатдик биз ҳазонни яниб.

Хайр энди демадинг сен ҳам,
Мен-да сенга демадим хайр.
Балки оғир, хайрлашмоқ ғам,
Айроликқа тўзим бер бир бор.

Наҳот шундай қолур бу имдод,
Додимизга етмас бирор кас.
Ё Раб, ҳижрон бунчалар бедод,
Шундай ўтар дунёдан бекас...

Қачон мени кутасан, бағрим,
Қачон сендан келади хабар?
Қачон, қачон етамиз сағрим,
Ахир, шундай қолмасдир бесар?



* * *

Үтиб кетар ишқ қарвони из қолдириб,
Юракларга бир умрлик босиб мухрин.
Улуғ севги ошиқларин кезар излаб,
Күнгилларга қолдирибон изтиробин.

Дарбадардир дунё қадар ошиқлари,
Кунлар узун, тунлар узун дарвешига.
Faфлат эмас бедорлик бор юмушлари,
Чин ошиқлар камарбаста Ҳақ ишига...

* * *

Кутдим йиллар ўша ҳорғин нигоҳларни,
Ғам изнида абад қолди суронларим.
Мұхаббатсиз дил ойнаси музлаб қолди,
Излаб қолдим изтиробли титроқларим...

Термиlaman чирой очган ғунчаларга,
Асрий майдай сармаст қилас ифорлари.
Күмилганман бир умрлик изтиробга,
Хаёл ичра дучор бўлди қийноқлари.

Оҳанг оқар томиримда томчи қон йўқ,
Само узра орзуларим қилас парвоз.
Бошим етар булуларга сархуш ва шўх,
Хаёлотим лочиндай чарх ураг шоввоз...



* * *

Во дариф, нигоҳинг ноладай,
Қоядай қошларинг чимириб.
Қалб оҳим билмассан боладай,
Юрагим дардларин симириб.

Айт, наҳот аҳдимиз ёлғондир,
Бебақо дунёдир бевафо.
Бир эди йўлимиз қачонлар,
Қачондир кетармиз бир рўё.

Бол янглиғ мұхаббат очунда
Ошиқлар қалбларин зabit этар.
Тутқун қушча каби қаёнда
Чекар ғам мұхаббат жолалар...



* * *

Не соғинчdir тирнab ўтган нигоҳларинг,
Дилгинамни маҳзун этар ўқ шамоллар.
Қайтармикан ўша сирли қарапшларинг,
Замҳарирнинг музларидай дилда доғлар...

Соғинчлардан кўзларимга тушди сирлар,
Тушларимда ётсирайди соғинчларим.
Эврилдилар хазонларга бор армонлар,
Ўзим билан қолиб кетди ҳузнларим...

Ишқ юракни бир лаҳзалик барқ қилади,
Фақат тушда бахту иқбол аzonлари.
Ошиқларни гирдоб каби ғарқ қилади,
Хижрон фаслин шафқат билмас хазонлари!..

* * *

Йиллар ўтса ҳамки нигоҳинг ўша,
Чиройинг гўзал ой билан муштарак.
Нигоҳинг кўринар бегард ҳамиша,
Балки кечмишдасан, балки келажак...

Мен эса ўшаман, савдойи саркаш,
Бир сўзим бўғзимда йилларки, эй дил.
Асли хоки туроб бир гарду дардкаш,
Юрагим балогар зилдайин замбил...



* * *

Адашдим, минг бора адашдим,
Мұхаббат азобин сезмайин,
Тим қаро зулфингга илашдим,
Улашдим юрагим билмайин...

Порадир, порадир, садпора,
Сенгадир бахшида бу юрак.
Ишқ шахри то менга бегона,
Юраксиз яшамоқ не керак...

Бир майин қадалган нигоҳинг,
Тоабад ишққа тиғ bemакон.
Билмайин юрагим нишонинг,
Марзалар сен оша ломакон...

* * *

Ортингдан отилур хусумат тоши,
Кимгадир асроринг айтсанг баногоҳ.
Бошингга ёғилур тұхматлар лоши,
Мабодо йиқилсанг адашиб санглах...

Нокаслар наздида бўлгин чинордай,
Гарчи йиқилишинг бўлса ҳам аён.
Тұхматга қолсанг ҳам йиғлама сойдай,
Ҳамиша ғолиб бўл, ғолиб бўл шоён!

* * *

Файри хаёлотим учар кўкларга,
Кучар гоҳи кўнглим сарбаланд тогни.
Замирим ўқирар, потрайди кўкка,
Етаклар руҳимни асрий фалакка...

Шунда ором олар руҳим бирпасда,
Бирпасда бўлади шуурим тикка.
Кўксимда гул очган бир чечак ғунча,
Кўргиси келадир оламни якка.

О, доғим, асарим, асирим кўнглим,
Қабарган чоғимда сен ҳамон ёшсан.
Ҳамон навқиронсан севги бобида,
Бамисли безавол порлоқ қуёшсан.

* * *

Бунча аччиқ бўлмаса хижрон,
Бунча мафтун қилмаса ҳилол.
Кетиб бўлмас олиб бошингни
Ва на сармаст қилгайдир висол...

Жисму жонинг ўртар ишқ охир,
Хижронзордир масканинг бунда.
Кутиш оғир аввалин-охир,
Рухинг қақшар хижрон уфқида...



* * *

Сўзлар уммонида хасдек суриндим,
Қорайиб кўринар соҳилнинг бари.
Жону жаҳоним деб ёниб уриндим,
Борарман Сўз сари, Сўзларинг сари...

Дерсанки, сиримдай – ўзим ҳам пинҳон,
Мен дерман, ишқ пайдо – ки ман ҳам пайдо.
То ишқ ҳам қайғули қисса беомон,
Ошиқ қалбимда ҳам мангут сувайдо!

* * *

Хижрон доғи титрап бўғзимда,
Титрап руҳим қафас ичинда.
Ёд айладим ёлғиз Аллоҳни,
Ҳар бир нафас, ҳар бир сўзимда.

Манглайимга ёзилди хижрон,
Ғам қушининг бир қанотидай.
Сени кутдим тим қоронғу тун,
Ҳамроҳ бўлди хижронинг, нетай.

О сен, Тангрим ҳидоятисан,
Гуноҳкорман телба дунёнинг
Ҳой-хуйлари етди жонимга,
Асираси бўлдинг ҳаваснинг.

Сиртмоқ солар аччиқ изтироб,
 Мен қочарман тахайюлимга.
 Күп қийнама ортдаги азоб,
 Беланмоқда рухим нурларга...

* * *

Тун бағрида чаппар урап қор,
 Сукут ичра тин олар бу тун.
 Бутун эмас тундайин бағрим,
 Қор аралаш сочилар шу ун.

Бу тун ичра оқ толалардай,
 Юрагимни нимталар қорим.
 Қасам ичдим зим-зиё тундай,
 Кечир мени, қайтмас оқшомим.

Чўкяпман кўз ёшларингта,
 Қай афсунга бўлдим мен ошно.
 Дарбадарман рух билан бирга,
 Ғам ошиқар тун ичра танҳо.

Кимни койиб ёғар бу ситам,
 Наҳот бўлар барчаси тамом.
 Сени эслаб қондир бу бағрим,
 Оппоқ қорлар қаърида оқшом.



* * *

Кўркам қиров гуллари шундай
Дил ойнангга солар чизгилар.
Сен билмассан, бу чизги чирой,
Дил уйингга қўкламдан хабар.

Мен унутдим, ўзлигим буткул
Кул ичида анқо тухмидай.
Юрагимда ёнар андуҳлар,
Кул ичида оташин чўғдай.

* * *

Надир ишқ сирларин англай олмадим,
Шайдо шу қалбимни асрай олмадим.
Бағритош кимсалар сирмади руҳим,
Қувғинди руҳимга жой тополмадим.

Зухродай узоқлаб кетди бу руҳим,
Гизли сатрларим қолди сахфада.
Хаёллар уфқида ёнар юлдузим,
Ҳолбуки, бу ўксиз руҳим вужудда...

Қуйилди кўзимга ғариб шабнамлар,
Сен кўпроқ кераксан ошуфта жонга.
Яшашга ҳақлими тош қотган юрак,
Сигмас ҳеч ишқ билан маъмур жаҳонга!

СЕНДАН СҮНГ

Бир қүшча сайрайди күнгилда ҳазин,
 Тинч қўймас кечмишим солиб ёдимга.
 Билмасман мен уни исмини ростин,
 Сен ўзинг етгайсан, Тангри, додимга!

Балки ишқ элчиси меҳмон күнгилда,
 Мезбонман, бас, уни қиласай мен хуррам.
 Ёлғон бу дунёни қолдириб ортда,
 Ишқ билан мастона бўлайин мен ҳам.

Афсус, сен тарк этдинг изсиз бекарор,
 Айт, сенсиз не кечар бу кеча ҳолим?!
 Ҳузн дардлар ичра юрак бемадор,
 Иқболим дедимми сени, заволим?!

Наҳотки дилларни маҳв этмас сеҳр,
 Қаҳринг дилгинамни сел қиласар, охир.
 Қайтарми чақмоқдай саркаш бу меҳр,
 Дилни шод қиласми элчин бир ҳарир?!

Хонтахта устида ётар сўнгги хат,
 Ўқишига ботинмас безовта юрак.
 Севги иқрорингдан охирги жилдхат,
 Тонмайсан ишқдан-да лек, этарсан тарк.

Сенсиз, айт, не кечар ҳолим бу кеча!



* * *

Бунча қаҳрлисан севги,
Бунча тошбагирсан замон.
Бунча кибрлисан инсон,
Бунча?! Бунча?! Бунча?!

Мастона рухимда исмсиз хаёл,
Юрагим қон қилар ғамлар бурноғи.
Билмасман, нелигин бу синоатни,
Ҳасратлар зиёда наҳот буёғи...

Эслайман, поёнсиз узоқ тунларим,
Маънисиз кунларим етдими, наҳот?!
Бўй-бўй юракларда қолмади оним,
Келармиз, кетармиз шумидир ҳаёт?!

Замонлар чироқсиз қадим одамлар,
Кўнгилсиз ўтмади, умидлар ёқди.
Ботин нурларини сочиб мунаvvар,
Кимсасиз ерларда қизариб ёнди...

Шуҳрату шонларга бўлдик маҳлиё,
Меҳрга зор бироқ кўнгил боғлари.
Бесалла каллалар гоҳо авлиё,
Салласиз қолди-ку жами каллали.

Мукофот тақдимин кутиб боёнлар,
Оқшомдан ухламай то наҳоргача.
Китоблар зўр ёзиб илмий сахарлар,
Бесубут бўлдикми, наҳотки бунча?!



* * *

Изн бергин менга сўнгти бор,
Хаёл оғушига қўяйин бошим.
Жудоликдан сўйлама зинҳор,
Майли, тила истасанг ўлим.

Кет демагил, кетолмайман, кеч,
Бу ёруғ дунёда иккимиз ғариб.
Юрагимсиз кетолмайман ҳеч,
Турибди-ку қўлингда қалқиб.

Минг бор куйиб, бир бора ёндиним,
То қиёмат ўчмас бу кўнглим.
Ер остидан топсанг ёнар тош,
Балки шудир шайдо юрагим...

* * *

Вужуд марзасидан қачонлар қайтдим,
Вужуд беҳаловат, абгор, беором.
Рухнинг риштасига сўзсиз боғландим,
Абадий ришта бу, муқаддас эхром...

Мансури Ҳаллождай сўзим йўқ энди,
Ҳақиқат дарёсин кечарман, наҳот?!
Тилсиз сукунатнинг қулиман, ахир,
Қайтмоқ йўқ, демоқ йўқ, сўз йўқ ниҳоят...



* * *

Күнгилларда чоғланар сафар,
Солланади очун солдайин.
Ботинимда мүъжаз бир кема,
Гам мавжида қалқыйди майин.

Гүё кўнглим «Кон-Тики»дадир,
Тикиламан уммонки тузоф.
Атрофимда нағанглар изғир,
Қон ҳидидан димоғлари чоғ.

Хейердалнинг саслари келар,
Оч тўлқинлар ортидан гўё:
«Кон-Тики»да гар ғамлар бисёр,
Халоскори мунаvvар рўё!

* * *

Кўлёзма вараклаб ўтади умринг,
Тутқундай қафасга туш урап қумринг,
Сира тутқич бермас қисмат улоғи.

Кечмиш боғи сари чоғланар руҳинг.
Юксалар дафъатан музaffer туғинг,
Қароғ ичра тошар қувонч булоғи.



* * *

Тушларимга киарсан, она,
Хувуллаган уйда фарёдсан.
Ёлғиз мени ўйлайсан бунча,
Аксар ғамгин, баъзида шодсан.

Оқ соchlаринг мисоли маржон,
Товланадир қүёш нурида.
Кетарман деб кўзларингда ёш,
Дуру гавҳар сочарсан шунда.

Хабар олар қайғу элчиси,
Бир аҳволга тушган заҳотинг.
Афсус, оғир қисмат карвони,
Айро қиласар йўлимиз пойинг.

Ҳасрат билан соғиндим сени,
Хира тортди ториққан нигоҳ.
Унудингми шодлик онларни,
Хазонларга эш бўлдик ногоҳ?





* * *

Сабр тугар, оҳ шайтоннинг доғулари,
Туғишганинг бўлар сенга душманойин.
Минг бир еринг тилкалайди тилсим санчи,
Юрагингни қиласар охир армонойин.

Сурон йиллар яқинларни улоқтирар,
Ёлғизлатиб хаёлларинг тўзонлатиб.
Сой бўйлари тутар фақат аччиқ соғар,
Бор вужудинг тупроқларин доғулатиб...

Сезиладир ёлғизлигинг кундан кунга,
Оғирлашар хаста юрак харсанг каби.
Хитоблари эшитилар қулоқларга,
Хаёл етмас олимларда ишқ кавкаби.



* * *

Мен ғамнинг изнида мунгдай очилдим,
Тўкилиб келдилар оппоқ туйғулар.
Чорасиз андуҳлар измида ёндим,
Бу дам хужумкордир қора гумонлар.

Осмонда саросар туманлар ўнди,
Бошим узра ўйнар мубҳам абрлар.
Кеча кўтарилиган қабрлар сўнди,
Юрагим емирди тошдай сабрлар.

Нажот тилар ҳатто ваҳшат заҳрнок,
Ростмикан суярмиш ғамни одамлар.
Вишиллаган илонлардан кўнгил ҳалак,
Не яширин юракларда Аллоҳ билар...

Мен наҳот дарвешман, йўлим бетайин,
Сўзсиз ишқ қурбони бўлурман, нетай?
Ўзимни билмасман то ҳануз тайин,
Билмасман сўзимни мен энди кетай.

Кетайин узоққа, ишқ диёрига,
Топарман Мажнундай ғолиб сўзимни.
Топшириб борим ёр ихтиёрига,
Бахшида қиласман ишққа ўзимни.



* * *

Замонлар чироқсиз қадим одамлар,
Күнгилсиз ўтмади, умидлар ёқди.
Ботин нурларини сочиб мунааввар,
Кимсасиз ерларда машъалдай ёнди.

Шұхрату шонларга бўлдик маҳлиё,
Қаровсиз қолди-ку кўнгил боғлари.
Бесалла каллалар гоҳо авлиё,
Салласиз қолдилар жами каллали.

Мукофот тақдимин кутиб боёнлар,
Оқшомдан ухламай то наҳоргача.
Китоблар зўр ёзиб илмий сахарлар,
Бесубут бўлдикми, наҳотки бунча?!





* * *

Авлиё ё эмасман, битдилар ғазал,
Рухимни сингдириб қора тупроққа.
Хокистарим, асли тақдири азал,
Шундайин аъмолим битилса оққа.

Тоғдайин юксалар руҳим шаҳодат,
Ҳеч куним қолмасин миннат ошига.
Узлат холи маскан бўлсин тоабад,
Тушмасин оғирим яхши-ёмонга.

На доғли, на чоғли кўринар замон,
Ғамли нигоҳларни кўрганда одам.
Булоқнинг бўйида бўлса бурда нон,
Саодат бўлмайди бундан зиёд ҳам.





* * *

Кўнглим, сен ўзинг руҳимнинг суянчи,
Қайғумнинг макони, маҳзаним менинг.
Босса ғамлар тўғони рух дараҳтини,
Борар жойим ўзинг масканим менинг.

Кеч кузда очилар руҳнинг гуллари,
Гуллаш онларидир кеч фасли ҳазон.
Ботин хаёлотинг кезар самони,
Ёд бир манзилларни қўмсайсан ҳамон.

Гоҳо вужудсиз бошингни урасан тошга,
харсангларга,
сангпораларга,
деворларга,
Йўлакдаги айвон устунларига...
Шунда оқади ботинда дарё-дарё ёш.
Шунда қочади шеърингдан туроқлар.

Бироқ ҳолатингни тан олгинг келмас,
Далли девонадай юрасан дарбадар,
Уқмоқчи бўласан ғамгинлар руҳини,
Чертмоқчи бўласан юраклар торини,
Бари бефойда, бари абасдир-абас...
Тунлари кезасан бёвужуд кенгликларни,
саҳроларни, боғу роғларни,
Бироқ топмайсан, топмайсан ҳаловат,
Бироқ топмайсан доғингни, сўзингни...
Наҳот шу бўлса шеърий он, лаҳза?!
Адоқсиздир муҳаббат сўқмоғи,
Наҳот шу бўлса Ҳақни англаш чоғи?!



НАВРҮЗИМ...

Вафо истаб келдимикан кўкламим –
Жафокашу гарибини сўроғлаб?!
Кўнгил айтар: Наврўзимни соғиндим,
Келмасмисан юрак доғимни доғлаб?!

Паришонман майин эсган сабодан,
Гул атридан кўнгилгинам мулоим.
Наврўзгинам, шабнам ичдим сахардан,
Гул ва булбул бир-бирига зўр қойим.

Гиёҳ узра сиёҳ кўнглим ҳамойил¹,
Ёр васлининг гадосимиз барчамиз.
Сен ўзингсан бу оламга шамойил,
Ботин кўнгил синоати зайлимиз!



¹ «Кучиш» маъносида.



* * *

Кечмишингдан сўйлама зинҳор,
Юрагимни кўп қилма абгор.
Не қилайин, бўлмасанг йўлдош,
Менда ҳам тош эмас ҳеч бардош.

Бу тақдирга гувоҳман ўзим,
Кўнгил ичра қадр дарахти.
Япроқлари нолакор сўзим,
Борми мендай ҳижрон карахти?!

Ғарид хаёл ичра юрагим,
Суронларга яшар талпиниб.
Мухаббатнинг завқи ботиним,
Ёлғиз дарахт – танҳо сир бўлиб...

* * *

Майли, мени хўрла ғарид деб,
Майли, телба-нотавон деб бил.
Майли, ҳатто ўлим ҳам тилаб,
Лекин асло демагин бедил.

О, юраксиз яшамоқ оғир,
Кафангадо бўлсанг-да, ҳатто?!
Кўнгил ичра ишқ маёғи бор,
Тангри берган бебаҳо ато.



* * *

Қиши бўйи илҳақман абри найсоним,
Кўнгил гулларини асрадим зиндан.
Меҳржон нафасин яна бир туйсам –
Туйғулар кўркланар руҳимда риндан.

Зайлимиз баҳорий кайфият истар,
То ҳатто тошларда, тилланар гўё.
Лаҳзалар зор қилган висолга мустар,
Ошиқ дил мисоли булбулигўё.

Боғларим шитирлар рангин бир гўзал,
Муҳаббат алёрин куйлар ёд қилиб.
На гўзал кўринур бу дунё азал,
Баҳор, хуш келибсан, қўнглим шод қилиб!

* * *

Бир фурсат кўз ичра олам қўйилди,
Барчаси жо бўлди худди бир уюм.
Хижрон азобидан қаддим букилди,
Сигмади жаҳонга бир парча қўнглим...



* * *

Бу кеч ёғар ёмғир тиғланиб,
Сиёх күнглим тилкалар чиғдай.
Ишқ кечмишин ёзар бир ажиб,
Ишим оғир, ғамларки шундай...

Ёғар ёмғир қаҳр-ла қаттиқ,
Омонлик йўқ – ўрганар күнгил.
Тун ютадир шаффофлик тиник,
Оқ фотиха бермайди күнгил.

Бир андуҳим зўраяр минг бор,
Ўтса ҳамки неча минг бир йил.
Висол ёдин қўмсайди сўнг бор,
Минг бўлакка шайланар күнгил.

Гарчи кўклам оғар биз томон,
Хинглардайин бузар сукунат.
Сойлар узра хингирлар шовқин,
Юрак ичра мудрайди гулдон.

Тун чодирин киядир ёмғир,
Ситамкордир зард қиличлари.
Нигоҳида, маъюс томчилар,
Ишқ дафтарин ёзадир бори...

Чайқалади юрак довоти,
Тиғли ёмғир ғичирлар аста,
Юрак узра битадир зоти,
Хотирини кутади хаста...

* * *

Намиқиб новдалар шивирлар,
Поёнсиз кенгликка сүқланиб.
Лаҳзалар кетмакка шайланар,
Қолдириб изларин лаҳзалаң.

Бунчалар мушкулдир яшамак,
Севилмак унданда оғирдир.
Лаҳзага осилар бу юрак,
Оғочға осиглиқ дилмурда.

Бу кечда япроқлар шилдирар,
Оқар сув мисоли бемакон.
Қай гүрга отланар, учарлар,
Бепанох, барибир беомон...

Бир мубҳам тасаввур чизгидир,
Мубҳамлик наҳотки фарзу қарз?!
Акс-садо берадир япроқлар,
Новданинг бағрини қилиб дарз.

* * *

Кўксимда гулласа муҳаббат гули,
Яна кулиб боқса менга бу ҳаёт!
Яна бўлиб ишқнинг шайдо булбули,
Фақат ишқ мадҳида куйларман баёт!



* * *

Балки узлат нажот йўлидир,
Армон бахтнинг ботин-зоҳири.
Бу қандайин йўл, айтинг, ахир,
На боши бор, ва на охири.

Орзу ўша, ўшадир мудом,
Армон ўша-ўшадир бари.
Пойимизда минг бир кишан-дом,
Мангу юксак бахтнинг минбари.

* * *

Юрагим томчилар ёмғирдай, не бу,
Бир оҳанг измида гирён хаёлот.
Балки бу муҳаббат, балки ғам-қайғу,
Интиқ термиласан узоқ бетоқат.

Қийин, қийин, куйган юракка қийин,
Қафасдан интилар ишқ қучоғига.
Бормикан чораси, борми бир таскин,
Даво борми асло ҳижрон доғига?!

Бир нажот бўлсайди – чорасиз кўнгил,
Чукурдан ҳам чуқур бу ҳижрон чоҳи.
Ошиқнинг кўзига ҳамон тортар мил
Маъбуд деб сиғинган ишқнинг илоҳи.

* * *

Ғамгин бокар феврал оқшоми,
Ахгар күнгил ва лекин хандон.
Ғулу солар новдалар доми,
Илмоқлидир шохлари чандон.

Булут кезар, теракзор илҳақ,
Шитирлайди ботиний оҳанг.
Марза узра ҳокими мутлақ,
Ҳасратингни ютарсан аранг.

Изсиз бўлмас тоза руҳки он,
Боғ саҳнида учадир захра.
Феврал захрин сочар беомон,
Томчилари сиёҳваш зарба...

* * *

Манман казолардан озурда руҳим,
Ёлгиз хаёлотим масканим менинг.
Қаттол замонларда топмассан тўзим,
Гар не-не буюклик илинжинг сенинг?!

Қорақарағайнинг кесиклик шохи,
Менгзашдир эгиклик бошимга.
Буюклигин билган ихлосдан холи,
Билмайман, бу рух нечун безовта?



* * *

Ё Раббил оламин Аллоҳим-Аллоҳ,
Мехрибоним борар еримсан...
Оламлар сарвари кўнглим паноҳи
Ётсанг турсанг Аллоҳ де, Аллоҳ,
Дард келса Аллоҳ де, Аллоҳ,
Лоилоҳа Иллоҳу Аллоҳ...

* * *

Термиламан оппоқ қоғозга,
Кўзларимда айланар сеҳр.
Илҳом сендан хафаман нега,
Мұхаббатдан сўйламассан бир?!

Юрак, юрак улуғликда сир,
Ғамларга бас келар шоввоздай.
Дўқ-дўқ ураг соат милидай,
Фижимланар баъзан қоғоздай...

Қийин, қийин, юракка қийин,
Тундай қора қафас ичрадир.
Юраксизлар қалби азалдан,
Бир парча эт асли беқадр.

* * *

Мұхаббатдан дилгинам зада,
Хира тортган күзларинг нечун.
Илҳом сени ахтардим йиллар,
Бехабарман мұхаббатимдан.

Хасрат тұла күзларимда ёш,
Гарчи қайтмас қалам қошлигим.
Шамолларга совурдим умрим,
Олиб кетди самолар буткул...

* * *

Гоҳ оlam оқлар юрагим,
Гоҳ алам доғлар юрагим.
Худойим биттадир,
Биттадир қалбим...

Кимдир гул терар битта-битталаб,
Кимдир сочинг юлар битта-битталаб.
Лабинг шивирлар бир каломни мудом,
Аллоҳим биттадир, биттадир қалбим...

Гоҳ өнгіланар ғамлар тұғони,
Рухинг забт этгали марзани...



* * *

Йиллар ўтса ҳамки нигоҳинг ўша,
Беғубор чехрадир сенга муштарак,
Нигоҳинг кўринар бегард ҳамиша,
Балки кечмишдасан, балки келажак...

Мен эса ўшаман, савдойи саркаш,
Бир сўзим бўғзимда йилларки, эй дил,
Тупроқдан отилган бир гарду дардкаш,
Юрагим балогар зилдайин замбил...

* * *

Қарошингда кўнглим нақши бор,
Мұхаббатим рамзиdir унда.
Из қолдириб ўтадир еллар,
Шамолларни тинглайман шунда.

Тингла, тингла юрагим рангин,
Лабингдаги ол каби қалбим.
Оловланар дудоғинг заррин
Аксланар, заъфарон юзим...

Унутдим мен ўзимни ўзим,
Сўзим қолди қарошларингда.
Сени дея тундайин бўлдим,
Кечмишингдай ҳамон ёдингда...

* * *

Юрагимда аччиқ бир армон
 Тимдалайди бағрим күн сайин.
 Билмам, қайси кунда бўғилдим,
 Қачон бўлди бу ҳасрат тайин?!

Олов ёнишларим ўтдими, наҳот,
 Наҳот, мухаббатим беомон сўнди?!
 Наҳот балогарлар ўқир аъмолим,
 Кулимни совурса улар ҳам энди.

Вайронлик қалбимга солади ҳадик,
 Даҳшатли манзара юрак гар қотса.
 Айролиқ гирдоби солади ваҳшат,
 Бир зум қуёш нури кўзимга ботса.

Бир зум юрагимни чулғади ҳайрат,
 Ошуфта қалбимда мастона ғайрат!

* * *

Кўнглимнинг суюнчи – Хаёлим
 Гўзалсан. Сўз учун бир имкон,
 Балки сен азалий посбоним.
 Сенсизликда хазондир ҳар он...



* * *

Ичкарида дарича синди,
Кириб келар ишқнинг бўрони.
Дилойнамга чоғланар севги,
Қалб қўримга айланар севги.

* * *

Аста кириб келар кўнгилга баҳор,
Муаззам Каъбасин қилгай зиёрат.
Гўё минглаб йиллар кўрмагандай у
Оғоч гулларини қадайди бот-бот.

Бу ғамгин қиссадир кўнгил қиласар шод,
Аҳли дил тупроғин қилгайдир тараб.
Ошиқи содиклар бўлгайдир хуррам,
Келарлар, кетарлар ғамни сўроқлаб...

* * *

Лолагун қадаҳ тут баҳор ғанимат,
Ичайлик лоланинг шабнамин баҳайр.
Маъсум чеҳраларда ёнсин хаёлот,
Ҳаётнинг юлдузли онлари, ахир.

Майли, кўнглимизда доғ узра доғдир,
Бир дам шодлигимиз кўринсин бу он.
Гарчи хира тортган дил ойналари,
Шафақгун лоладек яшнасин жаҳон.

* * *

Майлига, кўрсанг ҳам ўтгил йирокдан,
Аҳдимиз омонат дунёдай ёлғон.
Қарагин, қайғули ҳайкал мисоли –
Кечмишингдан ғариб ёдгорлик қолган.

Гарчи ҳеч севмайин, севмай ўтсанг-да,
Ҳақни танимассан асло ва асло.
Сира ҳам тўлмайин, тўлмай паймона,
Ҳақиқат асрорин билмассан аъло.

Бунда на кўнгил бор, на бир ҳаловат,
Юрагинг оздирар заққум сухбатлар.
Учмоққа қанот йўқ, қочмоққа макон,
Юрагинг хун қиласи бадбин улфатлар.





* * *

Юрак сенсан мени зорлатган,
Күнгилзорим мудом порлатган.
Бағри дилим ўйиб нақш солган,
Сағир күнглим бунда ғамлатган...

Күнгил бўум-бўш жарангсиз садо,
Бесўз унлар – синиқ хумдондай.
Оху зорим етмас, эй Худо,
Қаро баҳтим қораяр тундай...

Зор қақшайди – сукунат кўнглим,
Бунда қаттол заҳри қотил ёр.
Сўлдимикан сабр гулларим,
У кун безар қонли доғим бор?!



* * *

Атроф бетараф – сукунат ҳоким,
Қалб маҳкуми барчамиз мезбон.
Шошиладир курт-қумурсқалар,
Вақт ғанимат ҳаракат меҳмон.

Олис юлдуз муҳаббат қасри,
Минг йилларда етиб ҳам бўлмас,
Чин маҳбублар кўнгил асири,
Етиш оғир, қайтиб ҳам бўлмас.

Товланади ишқ ёғдулари –
Етолмайин сарсон ошиғи.
Нимҳаворанг, нимпуштиранглар,
Сира парво қилмас маъшуғи.

Жаранглайди беинкор кумуш,
Гўзал куйдир мафтункор садо.
Осмон-замин бунчалар сархуш,
Муҳаббатдан сўйлар ул Зухро...

Қайда ҳиммат бўлар beminnat,
Муҳаббат ҳам шундайин неъмат.
У эскирмас, янгиланмас ҳам,
Азал даъво қилмас муҳаббат.

Чайқалади дарёйи азм,
Базм қураг юрак девона.
Шоҳона бир дастурхон-назм,
Қадаҳ тутар севги мастона.



* * *

Ай, шоир, дилдираб турибсан бунда,
Гүё омонатдай минг битта жонинг.
Гоҳ қайфу, гоҳ шодлик аралаш –
Кўзларинг ғорида ғичирлар онинг.

Нидолар қилдикку, кўкка тик боқиб,
Бир куни келадир сен кутган бадал.
Ўшанда руҳимиз қайтар Ватанга,
Балки ниятларда, топмагай завол.

Шаклу шамойилга бурканди давр,
Кимсасиз кулбада жон сақла энди.
Сен кўпга кераксан, мингларга ҳали,
Руҳга сабр бергил, чоғла иймонни.

Ичингда ғам балқир, ташингда кулгу,
Ҳар кулгинг замири сўнгсиз андуҳлар.
Наҳот шеърият бор, наҳот шоир?!
Наҳот шоирини қутлолмас шоир?!

Сен айт, чурқ этмасдан тингларман ҳаргоҳ,
Наҳот шамойил деб келдик жаҳонга.
Наҳот биз хазонни итқитсақ, эй воҳ?!
Оҳ, шоир қадари шу бўлса, наҳот?..

* * *

Кузнинг қарғида сарғаяди рух...
Хазонрез бу жонни тирнар бир равон.
Намиқар деворлар, куз ёмғири ўқ,
Юракнинг девори нурайди – вайрон!

Аён эшитилар хазон бир ҳазин
Аzon довушидай юракни чорлаб.
Юрак-чи талпинар беиз ва беун
Гўёки тинглаш-чун япроқ ноласин.

Олис-олислардан дарё довуши –
Эслатар кўнгилга кўклам нафасин.
Кўнгил қафаси-чи тўлган хазонга,
Наҳот гиёҳ унса куз ёмғирида?!

Новдалар увишган ёмғир сувидан,
Томирда ёмғирмас оқмоқда хазон.
Наҳотки аъмолга қўнди бир сукут,
Тун бағрига чўккан қарға-кузғундай...





* * *

Изғир кеча ичра изтироб ҳамроҳ,
Бемаврид келдими ғамнинг исёни?
Билмадим, қайлардан излайин паноҳ,
Юрагим соясин кўрдимку, қани?

Шу кеч кетар бўлдим ғарибистонга,
Ёлғизлик бағрига кўтариб қўлим.
Юрагим ҳовучлаб қолдим ҳасратда,
Бағрим қон, тамуғга туташган йўлим.

Бекас манзилларда бўлай бетайин,
Бағримнинг қасрида қуриб бир бино.
Қаттол бу очундан кутмайин шафқат,
Бағрингга ол мени, эй нажот фано!





* * *

Ойдин кеча тим қаро зулфинг,
Етаклайди ой сари шаштим.
Бирам маъюс кўзлари туннинг,
Тунамоқчи балки бу бастим.

Юракда-чи ўша сир туғён,
Сирдош бўлган ғамгин туйғу бок.
Наҳот, яна соғиндинг бирён.
Соғинчларга тўлдириб ғамнок?

Наҳот ёлғиз эмасмиз, ҳайҳот,
Гўё кўнглим сен-ла бир гардdir.
Танҳо рухим, ичрасан баёт,
Рухимизда, тун-ла шоёндир.

Дилу жоним ўртар муҳаббат,
Сехру жоду қилиб рух доғим.
Сингар бу рух қалб ичра хиддат,
Ойдинликдир бир лаҳза чоғим...

Ўрмалайди авроқчи хонқиз,
Юракни бир тимдалар жосус.
Сиримизни сочар, бу шонсиз,
Милт-милт этар ғариб бу фонус...



* * *

Ғам қўйнида қишлидим музлаб,
Ўтин каби ашкни майдалаб.
Юрагимга қуийлди азоб,
Симиридим мен уни қайталаб...

Билмам, рухим не кечар Тангрим,
Қаттол кечмиш қошида чўқдим.
Наҳот шундай мажруҳ жасадим,
Асрасайди беомон рухим...

Бургутларда, чўқимас лошим,
Кимларгадир керагим-тарҳим.
Турибман мен, муаллақ-онли,
Бардош, сени йўқотиб қўйдим...

* * *

Куз айёми кўнгил синикар доғи,
Ҳаприқиб отилар ташқари сари.
Ариқларда тикар муз ипин чоғи,
Ичкари димиқар ҳижрон сарсари...

Хазонрез фарёдинг билдим нишонин,
Ложарам кўнглингда тошар ғам доши.
Кўзинг қароғида оламнинг нақшин,
Билмассан, қандайин кўнгил бардоши.

ХОТИРАЗОР

Хотиралар озор, хотирот кўзгу,
Лекин хатарлидир хотирасизлик.
Йўқолдим бузгунзор ичинда мангур,
Топмадим бирор сўз, бирор оролик.

Мангалик асрори очилмас минбаъд,
Ифшо бўлганмиди ғайб бозори?!
Васлини истасанг, аслидир самад,
Барчаси кўнгилнинг хотиразори.

Озорлар тортадир чорасиз кўнгил,
Ғамлари ғамларнинг ичирип гулим.
Қилгиси келадир дунёни мазгил,
Кузгунзор кезмоқдан афзалдир ўлим.

Хотирот боғлари қаҳрабокирдор,
Ҳазиндир бир куни ҳазон накадар,
Ҳофиза минора – ёркин овоздир,
Махфузлар қатида маъволар кадар.

Бехудуд оқлиқдан синикар уйқу,
Хотирот гулимдир, хотира сагрим.
Қолдириб келдимми қанотим учқу,
Унутдим, доямнинг қўлида оғдим?

Бешажар онлардир онсиз китоблар,
Билмайман хотирот шажарин, ай, дил?!
Ёруғ хотирамнинг кечмиши надир,
Наҳот, эврилишлар поёни кўнгил?!



Бўҳрон онларики, сўндириди ғамим,
Бир дарвеш бўзлайди, овози самум.
Кўз мардуми ичра излайдир Ватан,
Ловиллар ўт ичра хазонрез машъум...

* * *

Бир нақшин олмадек севгим суури,
Унда бир алам бор, захри қотилдек.
Кел, эй дилозорим, кетайлик нари,
Ичайлик севгининг азобин нордек.

Умрим кечалари шамдек томчилар,
Сўнмаган ҳали зўр озорларим, ёр.
Мунда куй-муҳаббат ёнар бешарап,
Юрагим қатида ёнаргулим бор.

Ярадор оҳудай титрайди кўнгил,
Кел эй, кўнглим, сен ҳам қисматга кўнгил!





* * *

Хайқиради күзимда ҳайрат,
Бағир ичра очилар йўллар.
Хотирлар қўймас дафъатан,
Кўнгил қуши зирвага боқар...

Оппоқ оқкуш туйғулар учар,
Учиб тушар оппоқ қофозга.
Юрагимни бунчалар тирнар –
Лочин каби ташна парвозга.

Кўзларимда жовдирап томчи,
Гўё қайтиб келар болалик.
Энг зирвадан томчилар томчи,
Юрак узра томар маъсумлик...

Кор остида ғимиirlар майса,
Кор устида маъюс жарангинг,
Кор остида шивирлар ғусса,
Кор устида визиллар изинг...





* * *

Бағридан ирғитти бу кун яқинлар,
Сукунат қаърига чўқдим тундайин.
Шундайин итқитти яқин жигарлар,
Кўзимдан отилди қонли ёш майин.

Бағридан ирғитти ёру ёронлар,
Кўчаларни санқир итдай ёзуғим.
Вафодор итлар-ла бўлдим асиrlар,
Уларда ғажиди бу кун жабдуғим...

Эй воҳ! Нечун умр бунчалар тахир,
Балки мен ғуссаман, нотавон ўзим?!
Ҳаттоқи, ватанжў эмасман, ахир,
Тортадирман жабрин, энди, бер тўзим...

Ўзимни қўярга жой топмай ҳалак,
Бағридан ирғитти очун ҳам, зотан.
Қарадим кўклардан Лошим бедарак –
Дарбадар еллардай сарсон беватан.



* * *

Оқлаб бер тупроғинг, поклаб бер халқинг,
Юксалтири, эй Худо баҳт минбарига.
Муқаддас эхромда қилгаймиз сажда,
Туркийлар топининг Улуғ Тангрига.

Етар шунча хўрлик, қаттол истибод,
Етар шунча мудроқ чеҳралар ҳаққи.
Ҳали туғилмаган гўдаклар ҳаққи,
Уйғон, эй Туркистон, зулмлар ҳаққи...

Мудрарди Ҳирот ҳам шунда беомон,
Асрлар қаъридан кутгандай садо.
Улуғ илтижолар бўлар мустажоб,
Тавфиқ бер элингга, эй Қодир Худо...

Шунда бир сўз айтар Мирзо Алишер,
Бир замон сукутда қолар ер-осмон.
Фалакда мисоли гужум анжумлар,
Ерда инсон ақли гунгу лол, ҳайрон:

Шеърият тархини қўйди дафъатан,
«Етти манзар тархи»га тушди ишвагар.
Маънолар маҳзани очилди ғужфон,
Замон деб бармоғин тишлар манфурлар.

Бир наво яралди туркий алфозда,
Қадимий қўллёзма – туркий байт-ғазал.



Кўнгил замирида йўлак-йўлак йўл,
Байти ғазал айтиш туркийда азал.

Ҳазратнинг кўзида олам чашмаси,
Юрагин забт этар мудом басма-бас.
Етти иқлимгача етар наъраси,
Етти иқлим халқи қилар бас ҳавас!

Улуг тонг чодирин ёйганда бунда,
Туркийлар уйғонар, уйғонар Турон,
Сўзлар маъноланар – кўнгил ўртанар,
Боқий Турон қоим эътиқод, имон.

Қайта яратарди Турон лангарин,
Алвон уфқларга бош суқар кема.
Бўрону тўфонни қолдириб ортда,
Соҳилга етгандир, ахiri, кема...

Ох, куйди юраги ошиқки бунда!
Воҳ, куйди юраги маъшуқки мунда!
Қолмади бирор зот ишқдан бебахра,
Қолмади бирор он ишқсиз бир лаҳза.

Биру бор севгани Ерда завқланар,
Билмасди фифони Фалакка етар.
Шеърият боғоти рангланар заъфар,
Заъфарон юзларда хузн ажинлар.

Мұхаббат дардидан бесөз Мажнунлар,
 Жунун водийсида забун күзёшлар.
 Маърифат йўлида мудом соликлар –
 Тариқат атворин кезар бош яланг...

Ўзбеклар хирожи – шеърият божи,
 Алишер ахтари порлади шунда.
 «Ростию русти»ни англади ўзбек,
 Адолат меҳварин кутарди бунда.

Ўзбекнинг сўзлари эл кезди қанча,
 Афиғ уфқлари тун кўрди яна.
 Нуради адоват меъмори анча,

Шеърият юкини кўтарди барча...
 Афсуски, ғаммозлар қилар бўхтонлар:
 Шеърият уйини тузди Алишер,

Дину ислом уйин бузиб пайдарпай...
 Авлиё шоирчи сукутга чўмар,
 Тақводор сўзидан олар ўгитлар,
 Шеърга солар боз шариат тарзин...

Кўнгилни куйдирар асрий нидоси,
 Она тили руҳин сарбаланд қилиб,
 Оламни тутарди акс-садоси,

Соҳилга етгандир, ахири, кема...



* * *

Бу ахгар кўнгилни кездим дарбадар,
Ахтариб топгандай бўлдим ахтарим.
Бахт саройи сари хезландим бадар,
Қадрнинг қадрини изғиб қидирдим.

Паноҳ истаб гоҳо тўкилдим тутдай,
Матлубим, талабим сари уриндим.
Гоҳ сўндим бўзарган Зухро юлдуздай,
Кўнгил кишварида сармаст суриндим.

Билмадим, умрни қандай совурдим,
Кечмиш қоши узра мұқаддас қасос.
Холбуки, бир садо ичра қайрилдим,
Ишққа ташна қалбим то ҳануз ҳассос.

* * *

Мұхаббат жомидан маст-аласт
Севганлар айтсинлар бўзариб.
Шафақдек қорайиб-қизариб,
Ёнганлар айтсинлар оҳ уриб...

Оғир дард мұхаббат азоби,
Ғазабдай санчилар санчиғи,
Ё Раб, мангу ҳаёт бахш этар,
Мұхаббатнинг афсунгар тифи.



* * *

Бир сўзим бор сенга келмасин малол,
Ғамгин туйғуларим қилмагин ҳалок.
Қайтиб келар бир кун кунларим зилол,
Мен ютдим ғамларни бир умр чолок.

* * *

Келар ғам кулбамга секин,
Оҳиста чайқалар заврақим,
Денгиз мавжларидаи майнин,
Тимдалайди юракни оқим...

* * *

Лаҳза ўтар юрагим тирнаб,
Гёё мажрух турнадай беҳол.
Лаҳза ўтар юрагим тирнаб,
Асорати қолди бениҳол...





* * *

Ғұдайғандай баъзан толлар-да,
Кечмишин-да пеш қилар шоён.
Бадбурушдай бағрин тиғлар-да,
Күз-күз қилар попугин ҳар он.

Хилпирайди барглар бетизгин,
Толбаргаклар қизлар бошинда.
Тиним билмас шамол шундайин
Тол барглари эрмак қошинда...

Учиб тушар шумтол патлари,
Избосгандир күрениш рүё,
Балки вақтнинг сояларини
Пинҳон тутар аслин нопайдо...



* * *

Айт, эй чаманзор,
Сағрим тилганинг,
Соғинч билан зор,
Бағрим эзганинг.

Йиллар суронли,
Ҳануз ўшасан,
Ўша яшилли,
Қайин тўрасан!

Билсам, аламлар
Туғар ситамлар,
Догсиз туманлар,
Юрак ситарлар.

Эҳ, андуҳ ночор,
Бечора кўксим
Танладинг, дучор
Пойингда қасрим!





* * *

Коронғу кечалар
Тұғонлар ичрадир,
Сарсону саргардон,
Күнгилзор нетадир?

Ёмғирдай зорланар,
Күзёшлар тун ичра,
Юракдай шайланар,
Айланар нам ичра.

Балогар күнгилдир,
Ахтардир тун узра,
Хафа бир залвордир,
Зёр ахгар мунгзада...



* * *

Мен шунчаки севаман фақат,
Дилда бисёр соғинч күзёшсиз.
Сен бунчаки соларсан қават,
Чайқалади юрагим шаксиз...

Томчилайди бу чексиз оғу,
Мұхаббатнинг доғида ёнсам.
Қара, қандай забаржад ёғду,
Нимталайди бағримни, билсам.

Биллурдайин чароғон севги,
Күнгил уйин ёритар бирам.
Бирам маъюс мұхаббат сүнги,
Юрак ичра ғимирлар минг ғам...





* * *

Ёмғир ёғаётир ғамбода ёмғир,
Аламдийда ёмғир шеърин ўқияпти.
Хижрон тори қора булуңдай оғир,
Ёмғир оқ торлардан сўзин тўқияпти.

Майсазор кўзёшлар ичра тамом ғарқ,
Майса бўйин сочиб ёғаяпти ёмғир.
Йўқолган қиблаю ҳам Ғарбу ҳам Шарқ,
Тома-тома бағрим тиғляяпти ёмғир.

Сой ҳам кетиб борар бедавдай гувлаб,
Дараҳтлар мунғаяр уйсиз шамолдай.
Шамол булуңларни оловдай қувлаб,
Юрагим ўртайди қўрқинч саволдай.

Ва лекин муҳаббат шаробидан маст,
Пайваста гул билан булбул икки ёш.
Ёмғиру барққа ҳам ҳатто қасдма-қасд,
Сармаст нигоҳида порлайди қуёш!





* * *

Хақ ноҳақдан қийналар бу жон,
Жон ичинда бўлмаса жонон.
Чин муҳаббат йўли йироқдир,
Тутқич бермас жонона ҳамон...

Ихтиёrsиз абасдир ночор,
Сабр унга бўлмаса йўлдош.
Боши узра чақнар юлдузлар,
Юрагини чорласа бардош.

Кўнгилларни ғамлатар замон,
Ғам изнида ғамлари зилдай.
Балки қалқир биз томон ҳамон,
Хотирлари бир парча муздай...

Бир замонлар зимнида қолди,
Асорати кўнгилда пайдо.
Нечун ўчиб шамдайин қонди?
Кўнгил ичра ҳайрат сувайдо...





* * *

Ахир юрак ғамни дер ғамни,
Яшамоқ-чун ғамнинг кўйнида.
Кўнгил отли икрор барчани
Муте этмиш азал изнида.

Шундан менинг бағрим тилим-да,
Унда жодир бир гужум андуҳ!
Шундан бери ҳаловат қайда?
Сукунатга ошнодир ул рух.

Не қилсак-да, ҳасратлар бесар,
Ҳасрат тўла бағрим хаёлинг.
Айтаверсак туганмас кадар,
Юрак ичра нақши бор Анинг...



* * *

Эшикни ёпасан... хаёлот тутар,
 Ёлғизликнинг чегасига етарсан.
 Эшикни ёпасан... хаёлот занжир,
 Занжирбанд руҳинг-да, наҳот илҳақсан?..

Сен түхмат балосин ужби¹ дадирсан,
 Сабрингни эрмаклар бу нажиб руҳинг.
 Қанчалар уринма ожизсан, ахир,
 Буларнинг барига етмас мақдаринг².

Эшикни ёпасан... хаёлот қучар,
 Кўнгилзор ичрасен, недирсан, эй Оҳ?..
 Яна сир, яна руҳинг ишққа тўлмишdir,
 Асирик комидан изларсан паноҳ?..

Эшикни ёпасан... барчаси тугар,
 Сени тортиб кетар Хаёл комига...

Эшикни ёпасан...



¹ Ужб – макр.

² Мақдар – куч-кудрат, қурб.



* * *

Дилу жонинг ўрттар мухаббат,
Айттар нечун ул изҳорларин?
Сукунатим шунчалар, фақат,
Ишқ зиёда зил-замбидайин.

Мунча ғамгин бўлмаса бу дард,
Ҳасратлари тешар бағрингни.
Кеча ичра тўкилар бегард –
Хаста кўнгил маъюс жарангни.

Сен амалсан, шудир ўша хун,
Кўнгил узра яралган лаҳза.
Яраланган юракдирки ун,
Тўкилмасдир томчиси ерга.

Кечада сен қидирган ахтар,
Юксак қадр – мухаббат йўли.
У ишқ дея яралган музтар,
Пинҳон эрур изтироб асли...



* * *

Шабнамлар күзёшдай тизилган,
Марварид-дур каби шодаси.
Кўнглимнинг кулбаси бузилган,
Телба қиласар ғусса бодаси.

Елдиримдай умр карвони,
Уфқларда шафақлар чорлар.
Дарди ҳижрон, ишқнинг армони,
Ёр висоли юлдуздай чорлар...





* * *

Ойдинликни қилиб писанда,
Ой сузади осмонда мудом.
Нотавонман, балки ғамзада,
Осмон каби беюрак аҳком...

Қадрдоним, эй сен тўлин ой,
Осмондайин кезинар нолам!
Кўксим узра ғамбодадай сой,
То ҳанузки бўзарар тарзим...

Қарошимга юзланар кўклам,
Кечмишимни солиб ёдимга.
Юзмоқда-ку, тун ичра шабнам,
Муҳаббатим қўмиб новдамга...

Қаергадир бормайин ёдинг,
Ишқ шаклинда кўринар ҳар жо.
Мен нетайин, вақтдир сирдошинг –
Қолмиш кўнгил ичра тажалло...

Ғуборларга айланди кўксим,
Анжумлардай ёнадир баҳт ҳам.
Лек ишқнинг-да азобларига
Раво бўлмас бундайин баҳам.



Бунда бари надир бошқача
Кўринади кимсасиз жаҳон?!
Билсам, асли кўнгил ўзгача,
Истагимиш сукунат макон?

Сукунатнинг дунёларида
Яктоланиб турадир кўнгил –
Оқизолмас гоҳ ғамларин-да,
Лаҳзаларнинг дарёси маҳол...





* * *

Кўкрагим қасрида отмоқда ҳижрон,
Айролиқ касридан йўқ менда мажол.
Сажжода ичрамен бош қўйиб беш он,
Тун бўйи сукунат тўкмоқда ҳилол.

Бир зум хаёлимни чулғайди саркаш
Ишқдан танизорим қақшар беомон.
Юрагим ичинда аланга-оташ –
Тиним топмас сира бир лаҳза, бир он.

Уйғонар озод рух мисоли кечам,
Хеч тинчлик бермайди, қара сукунат?
Керак эмас балки ёнишинг бағрим?!
Кечмишинг ёзилмиш шундайин тоат...

Қулоғим остида гувлайди шундай
Тўлқинлар ичра бир довуш суринди.
Мудрар сокинликни бузиб қарағай,
Навраста туйғулар нечун чувгинди?

Салқин сувлар оқар бурқиб сувдондан,
Ҳайронликни бузар салқин фароғат.
Гўё исириқдондан бурқсигай тутун
Оlamни тутгандай бадбин манфаат.



Қоронғу кечада тундайин түфөн
Босар бўм-бўш юрагимни ваҳима.
Қандайин ваҳшатдир, омонат Инсон,
Ёруғлик қолибдир гирдоб ичинда...

Бир зум хаёлимни чулғайди саркаш
Ишқдан танизорим қақшар беомон.
Юрагим ичинда аланга-оташ –
Тиним топмас сира бир лаҳза, бир он...

* * *

Менинг ёзмишларим бир эртак эди,
Бугун-чи айланди музтоғ қояга.
Гар бир кун эриса оқгай қаҳрли,
Наҳрлар бўкириб сифинар дояга...

Мұхаббат эҳтиром куйчиси бўлиб,
Қағиллар қошимда қарға-қузғуллар.
Муз қалбим уларга тасалли бўлиб,
Минг йиллар қаҳрнинг комига чўмар...





* * *

Юрагинг севинчга тўлар дафъатан,
Дафъатан ўйлайсан баҳор севинчин.
Мен-чи муз тагида қолган лойқадон,
Ғамгин юрагимни тирнайман сўғин.

Дилдирап бу дилим гўё бир тилим,
Рухим дайросида бир қуру дилхуш.
Довуш тўлқинлари эркалар кўнглим,
Ҳорғин адодирман дил ичи човуш.

Севги, севинчларни баҳолар юрак
Аччиқ ёшларимга қуёшдай дирҳам.
Тусайди кун ўтиб вужуд сўнмоқлик –
Кечмишим мен сендан надир истарман?

Армон тўла кўнгил бир ишқдон ва ё,
Итқиб сиқинтилар юракни қайғу,
Арзу додларимга етмаган дунё,
Наҳот, баҳамлашар бир йўла оғу?!

Ғам-ғашлар дилимни қилмади адо,
Ҳовур босар дилойна зангдир ҳамон,
Сернашъя қувончлар йўқламас, асло,
Бунчалар жиддият сикар бемайдон...

* * *

Бекасу бенаво юрсанг кош
Йўқларми санамлар бунда зор?
Ошиқлар пойингга эгар бош –
Юракда ишқ тожи кимда бор...

Сен билан биргаман руҳингдай,
Биргаман, сенга тахт тиларман.
Қуёш ҳам бирибир чиққандай,
Барибир мен сени кутларман.

Санъатдир кўнгилдан боқсанг гар
Мен каби дарвешга бир бора.
Бир бора юракдан севсанг гар
Сенингдир санъатим ўлсам гар...

Ботарман ғам ичра қачондир,
Қачондир қуёш ҳам ботгандай...

* * *

Ичинда, не бўлса ичинда!
Чайқалар кўнгилнинг тубинда:
Аламлар, ситамлар, ғуссалар,
Барчаси кечмишда сирланар...

Чин эмиш қайғуни севмаслар:
Нокаслар, ножинслар, ...симонлар.
Севмишлар дунёни чин дилдан,
Кувфинди андуҳни қувмишлар...



* * *

Тушларимга киарсан, беҳол,
Кафтдай яланг юрагимга ҳам.
Ақлу хушим оларсан алҳол,
Хаёл ичра мастона олам...

Мұхаббатдан күзларинг гирён,
Юрагимда аланга ҳасрат.
Айролиқдан юрагинг бирён,
Қора тоғдай бешафқат касрат.

Ортимизда ёқавайрон вақт,
Замину күк, фазо ҳам урён,
Ишқ азобин ташрифи бевакт,
Нажот топмай жонсаракдир жон.

Жон керакми ё имон, рүё,
Наҳот қора қисмат девона?!

Бегонадай бор борлиқ гүё
Үзимга ҳам үзим бегона!

Шамдай йиғлаб ёнарман танҳо
Шомлар йиғлаб, ёнди сахарлар.
Бор давлатим бемаъно маъно?
Обу ошим зардоб заҳарлар.

Тун бағрида мунтазир ҳасрат,
Бу не азоб, бу қандайин дард.
Ғойибона бебаҳо нусрат,
Гавҳари тож қошингдаги гард!

* * *

Шитирлар томчилар тош узра майин,
Тарновлар шовуллар ҳазин извошдай.
Хаёлбанд риштасин узадир бастин,
Барчаси сирлидир сирли юлдуздай.

Нур тўла самога боқаман ҳадик,
Кўринар ёғдулар ичи ва таши.
Шамол ҳам чертади руҳни бир создек,
Хаста жўр бўлади сойлар товуши.

Сирланар дашт узра тупроқлар маним,
Худди хаспўшлайди ёлғончи жаҳон.
Жимжит мозористон топмоқда қўним,
Қандайин шовқиндир, танҳо ҳаяжон?

Мардумга куйилар сарин туманлар,
Ёмғир ҳам ёғади шундайин сим-сим.
Бағритош бардошим ғижимлаб эзар,
Сирқирап ҳазиндай забун аҳволим.

Шовуллайди гўё яланғоч сукут,
Юракда ортадир ўзғир ғалаён,
Бунда ёлғиз мақтул доғи муҳаббат,
Хаёлхона ичра сукунат сарсон...



* * *

Қуёшнинг нурлари бепоён
Кенгликка сочилимоқ зўр ҳадди.
Дарёлар шошқини бир шоён
Қадимий қўшиқнинг асари.

Дарахтлар бир ночор эгилар
Шамолнинг раъйидан ийманиб.
Бир қизча хўрсиниб сўзлайдир,
Ўзидан ўзи гоҳ ётсираб.

Рұхимни сийпалар насимлар,
Бекасам тунларим эртакдай
Ўтади кўнглимни қилиб шай,
Билмайман, кечмишим не кечар?..

Томчилар бу чексиз кечалар,
Мухаббат доғини доғлатиб.
Юрагим чўқадир нечалар,
Оғриқли уммонда чайқалиб...



* * *

Аслим ғамдир сўрама, билло,
Айтаверсам етмас бардошинг.
Ростим сенсан сўйлама, илло,
Азал-абад билсанг сирдошинг!

Ишқ шундайин пинҳондир абад,
Гарчи ошкор бастимиз ҳамон.
Юракда дард, кўзда сув ғоят
Салқин сувдай оқамиз улён...

Фароғатга, меҳрга ташна
Кўнгилда ишқ қиласи туғён.
Узокдамас, ёнингда марза
Айро тушмас бошқаси бирён...





* * *

Қалқир тоғлар гўё ҳасрат
Жафою жабрим,
Баланддан ҳам баланд ғоят,
Тоғ каби сабрим:

Булутлар кўксимда ётар
Мунғайиб беҳол,
Биёбонда руҳим чанқар
Ҳайрону ҳам лол:

Тоғ ва сахро орасинда
Аросат қалбим.
Балолардан қутулса-да
Етмас қўлларим:

Кўк узра чақнаган юлдуз
Энг олис ғамим,
Юрагимнинг қатида сўз
Зиёсиз шамим.



* * *

Бир ёниб ўчмак надир?
Сүнма жоним бу жона!
Қолмади танда мадор,
Лек күнгил бир дурдона.

Лолу ҳайрон бу юрак,
Ичи вайрон ғамхона,
Бунда асир бир қушча,
Кетолмас ёна-ёна...

Ғавғолар орта-орта,
Юки ошибдир бунда,
Кимга керак бу гусса,
Бозори қаҳат кунда...



ТАРЖИМАЛАР



ДЖОРДЖ ГОРДОН БАЙРОН,
АНГЛИЯ

АЙРОЛИҚ

Эслайсанми, қайғули замон,
Тақдир ҳукмин ўқиди гүё,
Айро тушди йўлимиз шу он,
Рўё бўлди баҳтимиз, рўё.

Лабларингда совуқ оҳ-воҳлар,
Кўзларингда нур йўқ, зиё йўқ,
Менинг эса бор будим инграп,
Дардга дармон малҳам-гиё йўқ.

Бу шундайин сўнги йўқ азоб,
Совуққина айрилдик ногоҳ,
Кўнглимиизда армон, изтироб,
Наҳот бирон чора йўқ, эвоҳ?

Бадномликми қисматинг сенинг?
Муқаррарми тақдир фармони?
Маъбудамсан барибир менинг
Мен бўларман дардинг дармони.



Таъна тошин отар ҳар одам,
Майна қилар дуч келган кимса.
Эртаю кеч ҳамроҳу ҳамдам
Бир тану жон эдим мен эса.

Одамларнинг феъли аломат
Сени тинмай қилар маломат.
Холбуки мен биларман яхши
Сенсан менинг юрагим нақши.

Қалбимизда тўлиб тошса ҳам
Ишқимизни қилмадик ошкор,
Ҳажрингни ҳам, қошлари қалам,
Ҳеч кимсага билдирам зинҳор.

Тақдир қилиб катта иноят,
Васлинг тортиқ қилса гар менга
Барчасидан кечиб ниҳоят
Бағрим катта очарман сенга!



ХОТИРОТ

Тушдай ўчди барчаси, ҳайҳот,
Келажагим, бор баҳтим баrbод.
Қайда баҳтим, қайды ҳайратим?
Қақшатар бор будим қаҳратон,
Қорайтирди тонгимни бўрон,
Армон ишқим, армон ғайратим!
Кетди севги, ёруғлик ишонч...
Эвоҳ, дарди ҳажринг беомон!





Александр БЛОК,
РОССИЯ

САРИН ШАМОЛ САССИЗЛАНАР

Сарин шамол сассизланар,
Тийра оқшом кириб келар.
Кузгун сингар қарағайга,
Сукунатни бузиб мудрар.

Ётсираб сен андуҳдасан
Айт, сен мени унутдингми?
Мафтун этмас, наҳот бу тун
Асл бедоф шу севгими?

Наҳот севгинг бир лаҳзалик –
Мудом бесас кўйингдаман.
Киборлисан бесўз ўзинг,
Садоқатда ягонасан.

Шуъла учар парпирамай,
Енгил бесар шарпадайин.
Гар бўлсайдинг маҳбубам, ай,
Бўлардинг сен баҳтли тайин...

Тангрим паноҳ! Кеча яқин,
Пастлар тезтар қалдирғоч гоҳ,
Гулдурослар чақмоқ чақин,
Тун партави нигоҳинг, воҳ.

Борис ПАСТЕРНАК,
РОССИЯ

ТУШ

Куз ойнадай ранг олар жило,
Сен, дўсту лек у тамасхурлар.
Кўкда лочин қанотли, билло,
Кўнгилларда кишанбанд тўрлар.
Фурсат кетди, қартайиб сўнди,
Ахир, ромлар кумуш нишона.
Боғдан шафақ ойнага урди
Сентябр қонли кўзёши-ла...
Фурсат кетди, ҳатто соврилди,
Муз сингари чирсиллаб-эриб.
Сен қайтдинг, бир овоз қайтди,
О, туш жомдек акс-садо бериб...
Мен уйғондим. Зим-зиё куздек,
Отади тонг. Шамол йўргалар.
Тарнов ичра ёмғирзамбарак,
Кўкка қайин гўё ўрғалар.





УИЛЬЯМ КАРЛОС УИЛЬЯМС,
АҚШ

ҚҰШИҚҚА ЎХШАЙДИ

Майли, маккора кутсин
дараҳтзор ичра
ва ёзувлар
хам, жадал ва сокин,
кескин зарбли, хотиржам кутар,
хамиша бедор.
— киноя – қочиirimларни ўлчовчи
мен ва одамларо.
Ёзинглар. (Фоя эмас, лекин башорат ҳақида)

Ихтиро қилинг!
Тошмайдалагич – менинг гулим, парваришлиман.



* * *

Нима учун бугун мен ёзаяпман?

Лоқайд кимсалар
кўрқинчли қиёфасининг
гўзаллиги
илҳом бағишилар:

кеекса ҳабаш аёллару
мардикорлар –
қанча балоларни бошдан кечирган
кечқурун уйларига қайтар
жанда кийимларида
уларнинг рафттори
Асрий флоренция эманига ўхшайди.

Шунингдек

эй, акобирлар,
тирик мурда каби рафтордингиз ҳам –
илҳом бахш этар –
лекин
тамомила бошқача илҳом.



* * *

Айтасанки: «Севги – ажойиб, севги – бу
лола дарахтнинг новдалари, мажнунтол кокили,
ёмғир шамоли ва шиддати,
жаранг ва томчи, жаранг ва томчи –
оқиб кетаётган шохча». Йўқ, йўқ!
Севги ҳеч қачон бу ўлкаларда бўлмаган.





*СЕРГЕЙ ЕСЕНИН,
РОССИЯ*

* * *

Тун бағрида ой шоҳона байт,
Учар йигит бўлганман бир пайт.

Кўз очиб юмгунча сарсари
Ўтиб кетди шамолдай бари...

Муҳаббат ҳам, ёшлиқ ҳам армон,

Ой осмонда кулар то ҳамон!





ОҚҚАЙИН

Деразам тагида
Оппоқ оққайин.
Қорнинг қучоғида
Оқ кумушдайин.

Майин новдалар-ла
Оппоқ рўмолли
Шокила-шокила
Оппоқ попукли.

Сулувдай оққайин
Тушдай сукунат,
Авжида оппоқ қор
Зардай тумонат.

Тонг ҳамон хотиржам
Машғул юмушга,
Яланг новдаларни
Буркар кумушга.



ШЕЪРИЯТ ВА ШАХСИЯТ

Ўқидим, ўқидим, ўқийвердим. Саволлар туғилаверди: Сўзлар уммонида нега хасдек суриндингиз, нега айнан хасдек?! Нега соҳилнинг бари қорайиб қўринар, нега қорайиб?! Нега ёниб уриндингиз жону жаҳоним деб, нега ёниб?! Ким ёки нима томон бориш бу: «Борарман Сўз сари, Сўзларинг сари». Бу риёзатдан мақсад надир?! Нега китобингизнинг номи ҳам айнан «Сўз сари, Сўзинг сари?!» Бу каби саволлар, албатта, синчков китобхонни ҳам ўйлантиради.

Эҳ, Манзаржон! Мен сизни билмасайдим. Ахир «Сўз» сизнинг ҳаёт организмингиздаги фаолият томирларингизда оқаётган қон кабидир. Илм тандирига ёпилган биринчи кулча нон янглиғ ҳавола қилганингиз – «Минг бир сўз»дан то узоқ йиллар илм оташдонида обдан пишириб узганингиз – «Навоий асарларининг изоҳли луғати»гача бўлган заҳматларингизнинг ўзи ҳам бунинг исботи эмасми?! Балки сўзга бўлган меҳр-муҳаббатнинг асл илдизлари беғубор болалигинингиздан мурғак қалбингизнинг пок заминларида униб, озиқланиб ва ниҳол бўлиб ёруғлик томон интила бошлагандир.

Қадим сўзларни сақлаб келган болалигиниз ўтган ўша олис қишлоқлар шеваси, биз ғафлатга ботган авлоднинг кечирилмас гуноҳи сабаб қанча-қанча сўзларимизни ўзлари билан олиб кетган дину диёнатли бобо-



ларимизу момоларимиз сухбати, муомала маданияти, яъни олис мозий нафаси уфуриб турган сўзлари ўша пайтданоқ сизни сеҳрлай бошлаган бўлса ажабмас. Кўлга китоб олиб, балогатга етиб, улгайиб ва ниҳоят, «Лисон ут-тайр»гача ўқиб, изланиб, тасаввуф, сулук ва солиҳ, вужуд ва рух, фонийлигу боқийлик, «Дор ул-фано»ю «Дор ул-бақо», Олами кабир, Олами сағир, илми гайб, илми ҳол, илми калом... моҳиятига етишга уриниш ва шаклланиш жараёнида бу замон ичра тутқун руҳингизнинг зиддиятли кечмишини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам оғирдир. Лекин қисмат сатрларингиз тасаввур қилишга ундайверади:

Дедингиз: «Билмайман, бу рух нечун безовта?»

Дедингиз: «Титрар руҳим қафас ичинда».

Дедингиз: «Кечмиш боғи сари чоғланар руҳинг».

Дедингиз: «Дарбадарман рух билан бирга».

Дедингиз: «Қувғинди руҳимга жой тополмадим».

Дедингиз: «Манман казолардан озурда руҳим...

Қаттол замонларда топмассан тўзим».

Дедингиз: «Бунча тошбағирсан, замон.

Бунча кибрлисан, инсон.

Бунча?! Бунча?! Бунча??!

Мастона руҳимда исмсиз хаёл».

Эҳ, Манзаржон, Манзаржон! Нималар дедингиз-а! Ахир зор қақшаган сукунатли кўнглингизнинг изтироблари-ку, булар. «Шоирнинг онаси изтироб ахир» – устоз шоирингиз ҳақ экан. Яқиндагина ўқиганим – Рауф Парфи хотирасига битилган шеърингиз хulosаси

замондаги рух қисматининг изтиробли якуни эмасмикин: «Эсиз озод руҳим! Фақир, бекадр, Чирқирав... чирпирав... жазава... садр!» Файласуф шоиримиз Абдулла Орипов «Руҳим» шеърида «Сени на йўқотиб, бор қила олур», дея руҳнинг абадийлигини бадиий ифодалаб, ҳатто парчалаб бўлмас камалакка ўхшатгандилар.

Яхшиям руҳни ўлдириб бўлмайди. Демак, рух ўлмас экан, адабиёт ҳам ўлмайди. Шеър – сўзга айланган руҳдир, айланмаса сўз ҳам қуруқдир. Яна дедингизки: «Шаклу шамойилга бурканди давр... Руҳга сабр бергил». Қандай ҳолат бу?! Руҳсиз шоирлар, руҳсиз шеърлар ғавфоси ичра «Учмоққа қанот йўқ, қочмоққа имкон», дейсиз жимгина – «Тилсиз сукунатнинг қули» бўлиб. Лекин кутилмагандан сукунатни бузиб, парчалаб момақалдироқ гумбурлаб кетгандай бўлади:

«Замирим ўқирав...»

Эҳ, Манзаржон! Бу сизнинг додингиз, фарёдингиз. Бу сизнинг сўзингиз. Мукофотлар илинжида юрган анави «шоирлар»нинг сўзи бўлолмайди ҳеч қачон! Чунки бу бир солих банданинг «Сифмади жаҳонга бир парча кўнглим», «Дарбадарман рух билан бирга», дейишга ҳақли бўла олган бу замон Машрабининг қисмати. **Замир** – бу сўзнинг луғавий маъноларидан бири «туб моҳият»дир. Инсон ўзлигини англай олишга интилиши туб моҳиятига интилишидир. «Эй инсон, бу дунёга нима учун келдинг, яшашдан мақсадинг нима?» деган азалий ва абадий савол олдига ўзингни қўйишинг керак. Инсон деган ўзликни, туб моҳиятни англай олганлар англай олмаган кимсалар каби кўр ва кар, нафсига қул бўлиб яшай олмайдилар, унинг замири бунга йўл қўймайди.



Ўқирмоқ – кучли овоз чиқариб йиғламоқдир. Ҳатто йирик ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланади. «Изоҳли луғат»да «Қафасдаги шер ўкириб юборди» гапи мисол қилиб келтирилган. Агар қиёсан фикр юритсак, замирнинг ўкириши янада фожиалашади. Англанган Моҳият гўё қафасда ўкириб турган шер, яъни хўнграб йиғлаётган Ўзлик. Қафасни инсон вужуди ёки ўзликсиз, туб моҳиятсиз яшаётганлар дунёси деб ҳам тушуниш мумкин. Шеърий жумлангизни тўлиқ келтирадиган бўлсак, туб моҳият янада жазавалироқ тус олади:

*Замирим ўкирар, потрайди кўкка,
Етаклар руҳимни асрий фалакка.*

Англашиладики, туб моҳият тутқун рух билан ўзлигини асрashга ожиз. Шунинг учун ҳам моҳият руҳнинг озод бўлиши учун кўкка – Ломакон сари ўкириб ундаиди. «Биз Толстой, Достоевский, Фолкнер, Вулф, Думбадзе, Шукшин, Распутин, Евтушенко, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир сингари улуғларга эргашиб, руҳиятимиздаги кишанлардан халос бўлиш йўлларини изладик». Бу руҳият шоирларининг фикрини умумлаштирувчи эътироф. Мен эса Фаридиддин Аттор, Румий, Яссавий, Навоий, Машраб руҳларининг ҳам сизга куч бағишлиганини, мададкор бўлганини ишонч билан айта оламан. Шеърларингизни ўқиб, яна бир жиҳатни топгандай бўлдим – суюнч тизимини. «Кўнглим, сен ўзинг руҳимнинг суюнчи», «Кўнглимнинг суюнчи – Хаёлим/Гўзалсан. Сўз учун бир имкон». Демак, Рух, Кўнгил, Хаёл, Сўз – бу тизим сиз учун шоирлик биносини мустаҳкам тутиб

турувчи ўзига хос түртта устун ва бунда Сўз охирги нуқта, қолганлари Сўз учун имкондир. Шунинг учунки, аждодлар рухи, кўнгли ва хаёли бизга сўз орқали етиб келди ва сўз билан келажак авлодларга ҳам етгусидир.

Безовта Рух, изтиробли Кўнгил, гўзал Хаёл шеърга айлангандан буён Сўз азоби сиз учун қиёматли қисматга юз бурганлигини ҳис қиляпман. Аллоҳ қудрати билан ўн саккиз минг олам сўз воситасида яралидики, демак, Сўз – илоҳийдир. Сўз – оламдан аввалдир. Сўз – Илоҳий калом билан бандасини Яратган висолига умидвор этувчи тиловату қироат. Сўз – Парвардигорга тавбаю муножот. Сўз – жамиятни жамият қилиб турувчи «олтин занжир». Сўз – инсонликни рўёбга чиқарувчи ва сақлаб турувчи абадий мўъжиза. Сўз – кўнгил Каъбасига сифинтирувчи Ишқ садоси. Сўз – рухнинг суқунатидан Рўзи маҳшаргача осмонларга шивирлаб турувчи сехрли сас. Сўз – кўнгилга гўзаллик, эзгулик ва поклик уруғларини сочувчи шеър. Ҳазрат Навоий айтмишлар: «Эй сўз, не ажаб гуҳарсан, гуҳар неки баҳри мавжварсан!» Чингиз Айтматов эса қаҳрамони тилидан сўзга шундай таъриф беради: «Сўз – абадийликнинг ўзимиздаги имкониятидир. Биз ўламиз, лекин сўз қолади. Шунинг учун ҳам у – Худо. Биз ана шу сўзда изтироб ила югуриб-еламиз».

Сўз уммонида хасдек суринган, ёниб уринган эх, Манзаржон! Мухлисларингиз ҳам балки бир моҳиятни англаб етарлар. «Сўз сари, Сўзинг сари» – бу озод рухни «Олий Макон»га туташтирувчи йўл, туб моҳиятда событлик йўли. Бу дунё гирдобида ғарқ бўлиб



кетишидан фарёд чекаётган солиҳнинг йўли. Бу йўлда сизнинг ҳаёт мазмунингиз, иймон-эътиқодингиз, орзу-армонларингиз, дунёқарашингиз, кўнгил кечинмаларингиз, ҳис-туйғуларингиз, қисматингиз... ҳамма-ҳаммаси бир карвон кабидир. Бу карвоннинг сарбони эса Ишқдир.

*Куз хаёли кўчасида дайдиб-дайдиб,
Юрак ютиб ишқ дафтарин очдим яна...*

Китобингизнинг айнан шу икки сатр билан бошланганлигига ҳам асос бор. Буни мен ижодингизга ўзингиз битган муҳтасаргина деб билдим.

Маълумки, Яссавий «Ишқ дафтари» деган эдилар – ҳикматлари тўпламини. Ишқ достони деб тан олинаётган «Лисон ут-тайр»ни Навоий «бу дафтар» деб ҳам қайд қилиб ўтган эканлар.

Эх, Манзаржон! Манзаржон! Руҳнинг гуллари очиладиган куз кўчасида «Ишқ дафтари»ни очибсиз – юрак ютиб. Яссавийлар, Навоийлар қўнглидаги Ишқ, яъни Ишқи ҳақиқийни бу замон қабул қила олармикин?! Азалдан мол-дунёга асосланган жамиятда Қайсдай ошиқларнинг ҳоли доимо аянчли бўлиб келган-ку!

«То ишқ ҳам қайфули қисса беомон», «Сўзсиз ишқ курбони бўлурман, нетай?» Бу қандай ишқки, ниҳояси жонфидолик. Бу қандай ишқки, лирик қаҳрамонингиз бу замон ичра «Топарман Мажнундай ғолиб сўзимни» дея олса!

Ишқдан қайтмаган Мажнунни, ниҳоят, Каъбага келириб, ишқдан халос эт, дея Худога ёлвор, дейишади. У ёлворади, илтижо қиласи. Лекин кутилмаган, бутун-

лай тескари ҳолат. Менга ишқ ўтини ҳар дам зиёд қил, дейди:

*Дерманки, менга бу ўтни ҳар дам,
Афзун қилу қилма заррае кам.
Чек, айнана ишқ тўтиёсин,
Үр қалбимга ишқ кимиёсин...*

Мана, Мажнуннинг ғолиб сўзи. Сизнинг лирик каҳрамонингиз ҳам: «Мен дерман, ишқ пайдоки мен ҳам пайдо», «Ишқдан танизорим қақшар беомон», «Ошиқнинг кўзига ҳамон тортар мил», «Ўзимни билмасман то ҳануз тайин, Билмасман сўзимни мен энди кетай», «Кетайин узоққа ишқ диёрига, Топарман Мажнундай ғолиб сўзимни. Топшириб борим ёр ихтиёрига, Бахшида қилурман ишққа ўзимни», дейди, ниҳоят. Ба илтижо қиласади:

*Бекас манзилларда бўлай бетайин,
Багримнинг қасрида қуриб бир бино.
Қаттол бу очундан кутмайин шафқат,
Багрингга ол мени, эй најсом фано!*

Тасаввуфда риёзат чекиб Ҳаққа етишиш йўлиниңг охирги босқичи Фанодир. Таниқли адабиётшунос Султонмурод Олим ўзининг «Ишқ, ошиқ ва маъшуқ» номли рисоласида Навоий фикрларини бу замон аҳлига жуда тушунарли қилиб қуидагича ҳавола этгандилар: «Аллоҳ ишқида азоб-уқубат чекишларнинг бир шарафи бор – бу инсоннинг рухиятини юксак чўққиларга кўтаради, у ўзида нафс девини батамом енгач эса унда руҳони



ятдан бошқа ҳеч вақо қолмайди. Нафсни енгиш – ёмон хулқлардан қутулиш деган гап. Одам такаббурлик, зўравонлик йўлини тутмай, яхшилик сари интилса, унда улуғлик ва донишмандликдан бошқа нарса тополмайсиз».

Демак, бундай Ишқ ҳамма замонлар учун зарур.

Мен ишонч билан айта оламан: Ишқ – комиллик йўлининг бош қомусидир. То юраклар шу эзгулик қомуси илиа урсагина башарият ўзининг азалий орзусига – жамиятнинг энг олий мақомига етишиши мумкин.

Эҳ, Манзаржон! Манзаржон! Сиз буни мендан ҳам яхши англайсиз. Очган «Ишқ дафтaringиз» аввало, кўнглингиз қисмати, қолаверса, англағанингизни аҳли замонга ҳам англатишидир. Балки ер остидан «ёнар тош» топғанларида шайдо кўнгил қандай бўлишидан ҳайратланарлар. Гўзал ва кучли тимсолингизга қойил қолиб, мен ҳам гўзал хаёл қилдим. Рауф Парфи ёзганди: «Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзалдир. Илло, тошга йўнилган хаёл гўзал. Адабиётнинг илоҳий кучи – ана шу хаёлни яратади: «Сизнинг нафақат ушбу китобингиз, балки ижодингизнинг барча ўзак шеърлари мана шу йўл риёзатидан туғилгандир. Ҳатто Европа шеъриятидан қилаётган таржималарингиз ҳам мана шу йўлдан йироқ эмас. Айниқса, рухият манзараларининг моҳир ижодкори, тимсоллар тили билан бадиий тафаккур қилувчи рус шеъриятининг буюкларидан саналган Александр Блок ижодини аслида, сизнинг сўз рухига бўлган эътиқодингиз танлаган.

Мен бир нарсани жуда-жуда истардим. Сизнинг шеърларингиз билан танишган китобхонларда, менда бўлганидай саволлар туғилаверса, сўнг бироз тайёргарлик билан, яъни мумтоз адабиётимиз, айниқса, тасаввуф адабиёти ва тимсоллари билан танишгач, қайта-қайта ўқисалар, мағзини чаксалар, шоир руҳиятига бироз бўлса ҳам кира билсалар, шеърнинг сехрига тушиб қолсалар, ҳайратлансалар, ниҳоят, адабиётнинг ва бадиий сўзнинг илоҳий кучига ишонсалар.

Эх, Манзаржон! Манзаржон! Шунинг ўзи «Сўз сари, Сўзинг сари», дея кетаётган рух асирининг парвозига букилмас қанот, шунинг ўзи эътироф, шунинг ўзи юксак мукофотdir.

Гафуржон ТОЖИБОЕВ

МУНДАРИЖА

*Икром Отамурод. Соғинчлардан қалбимга
тушди сирлар.* 3

ШЕЙРЛАР

«Куз хаёли күчасида дайдиб-дайдиб...»	6
«Куз айролиқ онидай беҳол...»	7
«Хузурингга яна келдим мен...»	8
Холат	9
«Бас, ҳақлисан мени койишга...»	10
«Аллақайдан маштум овозлар...»	11
«Кечир мени шу кеч тун ҳақи...»	12
«Хотирладим маъсум онларим...»	13
«Тим қоронги изгирин кеча...»	14
«Сукунатни тинглар куз шоми...»	15
«Бу ҳаёт гўзалдир гулгун аламнок...»	16
«Бир кун ўтган эдик бу ердан...»	17
«Ўтиб кетар ишқ карвони из қолдириб...»	18
«Кутдим йиллар ўша ҳорғин нигоҳларни...»	18
«Во дариғ, нигоҳинг ноладай...»	19
«Не соғинчdir тирнаб ўтган нигоҳларинг...»	20
«Йиллар ўтса ҳамки нигоҳинг ўша...»	22
«Адашдим, минг бора адашдим...»	21
«Ортингдан отилур хусумат тоши...»	21
«Ғайри хаёлотим учар кўкларга...»	22
«Бунча аччиқ бўлмаса хижрон...»	22
«Сўзлар уммонида хасдек суриндим...»	23
«Ҳижрон доғи титрар бўғзимда...»	23
«Тун бағрида чаппар урар қор...»	24
«Кўркам қиров гуллари шундай...»	25
«Надир ишқ сирларин англай олмадим...»	25

Сендан сўнг	26
«Бунча қаҳрисан севги...»	27
«Изн бергин менга сўнгги бор...»	28
«Вужуд марзасидан қачонлар қайтдим...»	28
«Кўнгилларда чоғланар сафар...»	29
«Кўлёзма вараклаб ўтади умринг...»	29
«Тушларимга кирарсан, она...»	30
«Сабр тугар, оҳ шайтоннинг докулари...»	31
«Мен ғамнинг изнида мунгдай очилдим...»	32
«Замонлар чироқсиз қадим одамлар...»	33
«Авлиё эмасман, битдилар ғазал...»	34
«Кўнглим, сен ўзинг руҳимнинг суюнчи...»	35
Наврӯзим.....	36
«Кечмишингдан сўйлама зинҳор...»	37
«Майли, мени хўрла гариф деб...»	37
«Қиши бўйи илҳақман абри найсоним...»	38
«Бир фурсат кўз ичра олам қўйилди...»	38
«Бу кеч ёғар ёмғир тиғланиб...»	39
«Намиқиб новдалар шивирлар...»	40
«Кўксимда гулласа муҳаббат гули...».....	40
«Балки узлат нажот йўлидир...»	41
«Юрагим томчилар ёмғирдай, не бу...»	41
«Ғамгин боқар феврал оқшоми...».....	42
«Манман казолардан озурда руҳим...»	42
«Ё Раббил оламин...»	43
«Термиламан оппоқ қоғозга...»	43
«Муҳаббатдан дилгинам зада...»	44
«Гоҳ олам оқлар юрагим...»	44
«Йиллар ўтса ҳамки нигоҳинг ўша...»	45
«Қарошингда кўнглим нақши бор...»	45
«Юрагимда аччиқ бир армон...»	46
«Кўнглимнинг суюнчи – Хаёлим...».....	46
«Ичкарида дарича синди...»	47

«Аста кириб келар күнгилга баҳор...»	47
«Лолагун қадаҳ тут баҳор ғанимат...»	47
«Майлига, күрсанг ҳам ўтгил йироқдан...»	48
«Юрак сенсан мени зорлатган...»	49
«Атроф бетараф – сукунат ҳоким...»	50
«Ай, шоир, дилдираб турибсан бунда...»	51
«Кузнинг қароғида сарғаяди рух...»	52
«Изғир кеча ичра изтироб ҳамроҳ...»	53
«Ойдин кеча тим қаро зулфинг...»	54
«Ғам кўйнида қишиладим музлаб ...»	55
«Куз айёми кўнгил синиқар доғи...»	55
Хотиразор	56
«Бир нақшин олмадек севгим суури...»	57
«Ҳайқиради кўзимда ҳайрат...»	58
«Бағридан ирғитти бу кун яқинлар...»	59
«Оқлаб бер тупринг, поклаб бер халқинг...»	60
«Бу ахгар кўнгилни кездим дарбадар...»	63
«Мұҳабbat жомидан маст-аласт...»	63
«Бир сўзим бор сенга келмасин малол...»	64
«Келар ғам кулбамга секин...»	64
«Лаҳза ўтар юрагим тирнаб...»	64
«Ғўдайғандай баъзан толлар-да...»	65
«Айт, эй чаманзор...»	66
«Қоронғу кечалар...»	67
«Мен шунчаки севаман фақат...»	68
«Ёмғир ёғаётир ғамбода ёмғир...»	69
«Ҳақ ноҳақдан қийналар бу жон...»	70
«Ахир юрак ғамни дер ғамни...»	71
«Эшикни ёпасан... хаёлот тутар...»	72
«Дилу жонинг ўрттар мұҳабbat...»	73
«Шабнамлар кўзёшдай тизилган...»	74
«Ойдинликни қилиб писанда...»	75

«Кўкрагим қасрида отмоқда хижрон...»	77
«Менинг ёзмишларим бир эртак эди...».....	78
«Юрагинг севинчга тўлар дафъатан...».....	79
«Бекасу бенаво юрсанг кош...».....	80
«Ичинда, не бўлса ичинда...».....	80
«Тушларимга киравсан, беҳол...».....	81
«Шитирлар томчилар тош узра майин...».....	82
«Қуёшнинг нурлари бепоён...».....	83
«Аслим ғамдир сўрама, билло...».....	84
«Қалқир тоғлар гўё ҳасрат...».....	85
«Бир ёниб ўчмак надир?..».....	86

ТАРЖИМАЛАР

<i>Джордж Гордон Байрон.</i> Айролик	88
Хотирот	90
<i>Александр Блок.</i> Сарин шамол сассизланар.....	91
<i>Борис Пастернак.</i> Туш.....	92
<i>Уильям Карлос Уильямс.</i> Қўшиққа ўхшайди.....	93
«Нима учун бугун мен ёзаяпман?..».....	94
«Айтасанки: «Севги – ажойиб, севги – бу...».....	95
<i>Сергей Есенин.</i> «Тун бағрида ой шоҳона байт...».....	96
Оққайин.....	97
<i>Гафуржон Тожибоев.</i> Шеърият ва шахсият.	98

Адабий-бадиий нашр

МАНЗАР АБДУЛХАЙР

СҮЗ САРИ, СҮЗИНГ САРИ

Шеърлар, таржималар

Муҳаррир

Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир
Зилола ТЎЛАГАНОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Иброҳим ИНҚИЛОБОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.
Босишга 7.04.2021 йилда рухсат этилди.
Бичими 70x90 1\32.
Босма табоғи 1,24. Шартли босма табоғи 2,08.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.
Адади 500 нусха. Буюртма № 82.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММДа тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.
Мурожсаат учун телефонлар:
Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.
Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;
факс: (71) 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru